

Qishloq hayoti

2012 йил Мустақкам оула ўили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2012-YIL 12-YANVAR, PAYSHANBA, 5 (7934) - SON 1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan Bahoi kelishilgan narxda.

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни



ВАТАНГА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

2010 йил 12 январда тошкентда «ВАТАНГА ҚАСАМЁД» МОНУМЕНТИ ОЧИЛДИ

2011 йили Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонладик. Айни кунларда мамлакатимиз ҳаётидаги яна бир кутлуг сана – Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллигини байрам қилмоқдамиз.

Халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутувчи бу икки байрам моҳиятан бир-бирига уйғун. Чунки тинчлик ва барқарорлик бўлган мустақил Ватанда тараққиёт бўлади, байрамлар байрамларга уланади, унинг шуқуҳи-руҳи қалбларга сингади, татайди.

Истиклол йилларида мамлакатимизда қўлга киритилган ютуқ ва марраларнинг асоси,

энг катта бойлигимиз – юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик, миллатлараро тотувликдир. Бу бойликни асраб-авайлаш, мустақиллигимизни мустақамлаш, юртимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда миллий армиямизнинг алоҳида ўрни бор.

Давлат барқарорлигини таъминлаш нафақат замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа, балки армиядаги ахлоқий ва маданий муҳит, ҳарбийларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигига ҳам боғлиқ. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, армиямизнинг кучига куч қўшадиган,

вақти келганда, ҳал қилувчи омилга айланадиган қудратли бир восита борки, унинг номи – ҳарбийларимизнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун ҳарбий бурчини адо этаётганини чуқур англаши ва тушуниши демакдир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондонни Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда бугунги кун талабларига жавоб берадиган тезкор ва ихчам, замонавий қурол-яроғ ва



техника билан таъминланган, жанговар қобилият ва тайёргарликка эга миллий армия барпо этилди. Ҳарбий хизматчиларнинг маиший шароитини яхшилаш, ижтимоий муҳофазасини мустақамлаш масалаларига

катта эътибор қаратилмоқда. Ана шундай доимий эътибор ва гамхўрлик самарасида бугун ҳарбий хизмат йигитларимиз учун шарафли ишга, садоқат ва жасорат мактабига айланди.

(Давоми 2-саҳифада)

САРҲАДЛАРИМИЗ ДАХИСИЗЛИГИ ИШОНЧЛИ ҚўЛЛАРДА



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, тинчлик ва осойишталигимиз кафолати – миллий армиямизни такомиллаштириш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг йигирма йиллик байрами арафасида истиқлол йиллари ҳарбий соҳада амалга оширилган улкан ислохотлар самараларига назар ташлар эканмиз, миллий армиямизнинг куч-қудрати ва салоҳиятига, эртанги осойишта, порлоқ келажакимизга ишончимиз янада ортади, қалбимизда сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртимиз тинчлигини таъминлаётган мард ва жасур ҳарбийларимиз билан гурурланиш туйғуси жўш уради. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан замонавий миллий армиямизга эга тинч ва осойишта, фаровон, кудратли ҳукуқий демократик давлат барпо этаётганимиздан фахрланамиз.

Бундан йигирма йил илгари йигитларимиз мuddатли ҳарбий хизмати Ўзбекистондан анча олис юртлардаги ҳарбий қисм ва қурилиш батальонларида ўтар эди. Аскарлар ўртасидаги носоглом маънавий муҳит, турли тенгсизлик ва инсон шахсини камситувчи “тартиб-қондалар”, юзак ҳарбий машғулотлар билан икки йиллик умр елга соврилар эди. Ўша даврларда деярли барча, бир иложини топиб, мuddатли ҳарбий хизматга бормасликка ҳаракат қилар эди. Истиқлол йиллари соҳага берилган эътибор натижасида бугун ёшларимиз Ватанимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилишни муқаддас бурч ва энг юксак шараф деб билмоқда. Ҳарбий хизмат улар учун том маънода шон-шараф ишига айланган.

Зеро, ўтган йигирма йил мобайнида мамлакатимизда

жаҳон талабларига жавоб берадиган, замонавий қурол-яроғ, техника ва юқори малакали ҳарбий мутахассислар билан таъминланган профессионал миллий армиямиз шаклланди. Ҳарбий тузилмаларда миллий кадрларимизга хос соғлом ахлоқий-руҳий, маънавий муҳит яратилиб, ҳарбий хизматга ёндашув тубдан ўзгарди. Қўшинларнинг таркиби сифат жиҳатидан яхшиланиб, сафларини тўлдириш тартиби такомиллаштирилди. Ёшларни ҳарбий хизматга чақирув тартиби ва йуғув пунктларининг инфратузилмаси яхшиланиб, сафарбарлик чақирув мавсуми учун қулай мuddатлар белгиланган, ҳарбий хизматчиларни мустақам ижтимоий ҳимоя қилиш тизими яратилди. Бугун мuddатли ҳарбий хизматга жисмонан соғлом, маънавий етук, юксак интеллектуал салоҳиятга эга ўғлонлар саралаб олинмоқда. Намунали хизмат қилган аскарларга олий ўқув юртлирига ўқишга кириш учун тавсияномалар берилмаётган.

Қисқа вақтда ҳарбий соҳада юз берган ўзгаришларни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг «Жалолиддин Манғуберди» ордени билан мукофотланган ҳарбий қисми мисолида ҳам кўриш мумкин.

...Хоразм вилоятининг Шовот туманида мuddатли ҳарбий хизматга чақирилган Кенжабой Ҳайитбоев ҳаётини Ватан ҳимоясига, чегараларимиз дахлсизлигини сақлашдек муқаддас ишга бағишлади. Фуқаролик бурчини шараф билан бажарган, махсус тайёргарликдан ўтиб, дарё чегара-

чилари сафида шартнома бўйича хизматни давом эттирди. Айни пайтда у чегарани қўриқловчи катер командири вазифасида хизмат қилмоқда.

– Ватан ҳимояси энг шарафли бурч эканини мuddатли ҳарбий хизмат даврида янада теранроқ ҳис этдим, – дейди II даражали старшина К.Ҳайитбоев. – Мuddатли ҳарбий хизматни ўташ давомида ҳарбий техникларни бошқаришни яхши ўрганиб олдим. Бой билим ва тажрибага эга бўлдим, чиникдим. Буларнинг бarchаси шартнома асосида хизматни давом эттириш имконини берди. Қисимимизда ҳарбий-тактик машғулотлар замонавий усулда олиб борилади. Дарё орқали чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш учун зарур қулайлик яратилган. Ҳар томонлама ижтимоий ҳимояланганмиз. Биз чегарачиларга кўрсатилган бундай гамхўрлик ва яратилган шарт-шароитдан чексиз миннатдоримиз. Чегара қўшинларида хизмат қилаётган мехнатни ҳимоя қилаётганимиз ва осойишталиқни таъминлашга ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз.

Ўттир нигоҳли чегарачилар овоз ва оbod Ватанимизнинг кудратли қалқони, тинч ва осуда ҳаётимиз ва хавфсизлигимизнинг ишончли ҳимоячиси. Уларнинг шарафли

ҳамда машаққатли касбни танлаганидан фахр-ифтихор ҳиссини туйиб яшашида теран маъно мужассам: осойишта ва фаровон мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, иқтисодий ижтимоий ҳаётимиз тубдан ўзгараётган. Ёшларимиз тадбиркорлик, таълим, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг нуфузи ортиб бораётган. Ҳарбийларни ижтимоий, маънавий қўллаб-қувватлаш тизимининг яратилгани ҳам уларнинг Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Бу борадаги ишлар қўламини кенгайтиришда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлашга оид фармон ва қарорлари муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Наманган туманида ўсиб-улғайган Саъдулла Обидов болаликдан ҳарбий соҳага қизиқди. Мuddатли ҳарбий хизмат унинг ҳаётини қарашларини янада мустаҳкамлади. Оддий аскар шартнома асосида хизматни давом эттиришга қарор қилди. Хизматда сафдошларига ҳар тарафлама ўрнак бўлиб келаётган С.Обидов ёшларни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётдаги фалол иштироки учун 2003 йили “Жасорат” медали билан тақдирланди. Ўтган йили унинг оиласига барча шароитларга эга, замонавий ўйинчи калити

топирилди.

– Икки фарзандни тарбиялаб, вояга етказаямиз. Замонавий уйда осуда турмуш кечиршимиз учун барча шароит яратилган, – дейди шартнома бўйича хизмат қилаётган сержант С.Обидовнинг турмуш ўртоғи Саида. – Ҳарбийларнинг оиласидан кўнгли хотиржам бўлса, хизмат бурчини янада сифатли бажаради. Биз, ҳарбийлар оилаларига давлатимиз томонидан кўрсатилган эътибор ва гамхўрликдан гоят мамнунмиз.

Ҳарбийларни нафақат ижтимоий, балки маънавий қўллаб-қувватлашнинг ҳам кенг йўлга қўйилгани хизмат сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётган.

Ҳарбийлар ўртасида “Энг илғор бригада командири”, “Энг илғор батальон командири”, “Энг илғор взвод командири”, “Энг илғор гуруҳ командири”, “Энг илғор сержант”, “Энг илғор алоқачи”, “Энг илғор ошпаз” ва бошқа кўрик-танловларнинг ўтказилаётгани уларнинг касб малакаси ва жанговар тайёргарлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳарбий қисмларда ҳарбий хизматчилар учун яратилган қулайликлар ҳам йигирма йил аввалгидек кескин фарқ қиларди. Ўқув-тактик машғулотлар ўтказиш хоналари замонавий компьютер ва бошқа кўргазмалар қуроллар билан жиҳозланган. Шинам ва озода ошхона, алоҳида хоналардан иборат замонавий ётоқхона, спорт зали ва майдончалари, кутубхона мавжуд. Аскар, кичик командирлар ва дарё чегарачилари ўртасида қизиқарли беллашувлар, турли спорт мусобақалари ўтказиш яхши анъанага айланган. Буларнинг барчаси мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларнинг она Ватанга меҳр-муҳаббат ва ҳарбий соҳага интилишини кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётган.

Ҳа, бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафларида Ватан ҳимоясини энг юксак бурч деб биладиган, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш масъулиятини юракдан ҳис этадиган ўғлонлар хизмат қилмоқда. Шундай садоқатли, мард ва жасур, ватанпарвар ҳарбийларимиз бор экан, мамлакатимиз тинч, хонадонимиз чароғон бўлиши шубҳасиз.

Ҳолмўмин

МАМАТҲАЙИТОВ,

ЎЗА мухбири,

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ

(ЎЗА) олган суратлар.

ВАТАНГА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

(Боши 1-саҳифада)

Шу боис мамлакатимиз Қуролли Кучларини ислоҳ этиш жараёнида миллий армиямиздаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан яхшилаш, ҳарбийларнинг маънавий оламини юксалтириш ҳамда руҳан тоблантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2010 йил 12 январда Тошкентда очилган “Ватанга қасамёд” монументи ҳам ўз мазмун-моҳияти билан ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва ғояси асосида яратилган монумент ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳарбийларимизда мустақам ҳаётини позицияни шакл-

лантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу муҳташам мажмуада тасвирланган алпкелбат ўғлон давлатимиз байрогини кўзига тўтиб қилиб, Ватан ҳимояси учун, ота-боболаримиз хоки осойиш топган муқаддас заминнинг ҳар қарич тупроғини асраш учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамёд қилмоқда. Мард ва жасур фарзандини баркамол этиб вояга етказган мунис она эса ҳарбий хизматга отланган ўғлига оқ фотиҳа бериб, оқ йўл тиламоқда.

Бу – ҳар бир ўзбек хонадони учун таниш ҳолат, ҳарбийлар ҳаётдаги кадрли воқеа ифодаси. Бугун ушбу монументга назар ташлаган аскарлар

дуоғўй она сиймосида ўз онасини, Ватани тимсолини кўради. Эл-юртининг тинчлиги ва осойишталиги учун юксак масъулият билан хизмат қилиш лозимлигини янада тўлароқ англайди.

– Мазкур монумент яратилгунга қадар бир неча бор такомиллаштирилди, – дейди Ўзбекистон халқ россоми Жалолиддин Миртожиев. – Президентимиз Ислам Каримов бўлғуси композициянинг мазмун-моҳияти, кўриниши, ифодаси, ҳатто аскарнинг нигоҳи қаерга қадалиб туришигача эътибор қаратдилар. Юртбошимиз ғояси асосида ҳаққонинг орт томонида дуоғўй она образининг яратилиши асарга янада

гўзал шакл ва кенг маъно-мазмун бағишлади. Монументда давлатимиз байроғининг тўқис рангларида акс эттирилиши ҳайкалтарошлиқда ҳам ўзига хос англик бўлди.

Миллий байрамимиз – Ватан ҳимоячилари кунига катта тайёргарлик кўрилатган айни кунларда “Ватанга қасамёд” ҳайкали атрофи ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Офицер ва сержантлар, оддий аскарлар, олий ҳарбий билим юртлири курсантлари, юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонлар бу муаззам монументни зиёрат қилмоқда.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

«Энг ғўзал ва дилбар кўшуклар Ватан ҳақидаги кўшуклардир»

Республикаимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларда ноқамалакатимиз сарҳадлари даҳисизлигини таъминлашга катта эътибор қаратилди. Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини шинончи ҳимоя қилиш мақсадида қобилиятли, жисмонан бақувват, маънави баркамол, юксак ҳарбий маҳоратли зобит ва аскарларни тарбиялаб вояга етказиш долзарб масалага айланди. Шу боис тезкор, ихчам, замонавий қурул-яроғ билан таъминланган, ҳар қандай тажовузор кучларга қаршилик зарба бера оладиган миллий армиямиз ташкил этилди ва унда изчиллик билан турли ислоҳотлар ўтказила бошланди.

Шубҳасиз, сафларда ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги жўровозлик билан айтыладиган мардонавор, тантанавор кўшуклар ва маршлар яратилишга катта аҳамият берилди. Зеро, ҳарбий-ватанпарварлик бу келажакимиз бўлган ёшлар учун катта мактаб, унинг голяри биргина сиёсий-ижтимоий ҳаётдагина эмас, балки маданий-маърифий, ахлоқий-руҳий камолотимизда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада қатор иланишлар олиб борилди. Жумладан, «Ўзбекистон — Ватаним маним»,

«Аскар кўшиқлари» фестиваллари, кўрик-танловларнинг ўтказилиши натижасида ҳарбий-ватанпарварликни мадҳ этувчи истеъодлар кашф этилди. Шунингдек, ўзбек шеърлигида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуда қалам тебратадиган ижодкорлар сафи янада кенгайди. Ана шундайлардан бири Қуроли Кучлар фаҳрийси, истеъодаги тиббий хизмат подполковниги, Соғлиқни сақлаш алоҳисиси, Ўзбекистон Ёзувчилар ва журналистлар ижодий уюшмаларининг аъзоси Искандар Раҳмонидир.

Шоир қаламига мансуб «Ватан қизи», «Ўзбекистон аскарларимиз!», «Истиқлол фарзандимиз», «Учувчилар кўшиғи», «Байрамингиз бўлсин муборак!», «Асл йиғитлар, аҳил йиғитлар», «Ҳарбийлар кўшиғи», «Ватан — меҳр кўрғони», «Муқаддас туйғу», «Ўзбекистон посбонлари марши», «Аскар-аскар ўйнаймиз», «Армиямиз бор бўлсин!» каби мардонавор руҳдаги 50 дан зиёд шеърлар халқимизнинг маънавий меросига айланди. Унинг шеърларида ҳарбий-ватанпарварлик, мардлик ва жасурлик, юртга садоқат туйғулари юксак бадий маҳорат билан ифодаланган.

Шу билан Искандар Раҳмонни сўхбатга чорладик.



Самандар КЕНЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари академияси тингловчиси, майор:

— Амаким — ҳарбий. Болалигимда амакимни ҳарбий формада кўриб, гапларини эшитиб, мен ҳам ҳарбий бўлман, деб ният қилгандим. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида ўқидим. Жиззахдаги ҳарбий қисмда учувчи бўлиб хизмат қилдим. Ватанимиз тинчлиги ва осмонимиз мусоф-фолигини таъминлашга ўз қиссамни қўшаётганимдан хурсандман.

Мамлакатимизда ҳарбийларга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳарбийлар барча шарт-шароитларга эга уй-жой билан таъминланиб, уларнинг оилаларига улкан фамҳўрлик кўрсатилаётди. Ўғлим ҳам мендек учувчи бўлишни хоҳлайди. Орзум — уни ҳарбий формада кўриш.

Лобар СИДДИҚОВА, уй бекаси:

— Болалигимдан ҳарбий либос кийган йигитларга ҳавасим келарди. Шу боис турмуш ўртоғим ҳарбий бўлишини жуда хоҳлардим. Ниятим ижобат бўлиб, ҳарбийлар оиласига келин бўлиб тушдим. Умр йўлдошим ва қайнотам ҳарбий соҳада фаолият юртарди. Ҳарбийлик жуда катта масъулият ва улкан жасорат эгаси бўлишни талаб қилади. Мен ана шундай шарафли касб сохибининг рафиқаси эканимдан фахрланаман.

Ҳарбий хизматчининг рафиқаси бўлиш шарафли, шу билан бирга ўта масъулиятлидир. Турмуш ўртоғимни машаққатли меҳнат фаолиятида ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламан, бу оилани мустаҳкамлигини таъминлашнинг муҳим омилларидандир.

Баҳодир МАМАСОЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ўқитувчиси подполковник:

— Ҳарбий бўлиш ва армия сафига хизмат қилиш болалик орзуним эди. Сабр ва масъулият талаб қиладиган бундай шарафли касбини эгаллаш учун олий ҳарбий билим юртида тахсил олдим. Интилиш ва иланишларим самарасида ниятимга етдим — офицер бўлдим.

Бир неча йилдан буён мамлакатимиз Қуроли Кучлари академиясида ҳарбийларга алоқа муҳандислигидан тахсил бериб келяпман. Мамлакатимизда қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий технологиялар билан таъминлаш, мудофаа кучларини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва маънавий шароитларини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётди. Биз, ҳарбийлар яратилган ана шундай имкониятлардан умумий фойдаланган ҳолда ўз бурчимизни шараф билан бажаришимиз даркор.

Ўғлим ҳам келгусида мен каби ҳарбийлик касбини эгаллаб, офицер бўлишни, Ватанимизга, халқимизга садоқат билан хизмат қилишини жуда жуда истаيمان. Ватан ҳимоячиси бўлиш — йигит учун юксак шараф.

— Искандар ака, шифокор бўлишингизга қарамасдан адабиёт ва санъатнинг муҳлисисиз. Шеърятга қизиқишингиз қачондан бошланган?

— Отам санъат шиновандаси бўлганлар. Кўпинча уйимизга Гуломқори Ганиев, Карим Мўминов, Акмалхон Музаффаров каби таниқли ҳофиз ва созандалар, Акмалхон гижжакчи, Абдусаммадбек, Йўлдошбек деган ака-ука танбурчилар келиб туришарди. Яқин қариндошларимиздан машҳур навоийшunos олим Порсоҳон Шамсиев, таниқли адиб Ҳабиб Нуъмонлар сўхбатига бўлганман.


Тиббиёт институтида ўқиб юрган кезларимда истеъодли санъаткор ва мураббий Аҳмаджон Юнусов раҳбарлигидаги драма тўғарагига қатнашганман. Институт сўхнасида қўйилган «Юрак сирлари», «Ориқ тишлар», «Айтсам тилим қурди», айтмасам дилим», «Икки муҳаббат», «Мақр ва муҳаббат», «Имон» спектаклларида бош ролларини ижро этганман.

1953-54 йилларда Лабзакдаги атоқли шоир Файратий домла раҳбарлигидаги ўқувчилар уйида ташкил этилган адабиёт тўғараги машғулотларида қатнашганман. 1962 йили «Меҳрибонлар» номли қиссам «Гулхан» журналида чоп этилган.

— Жанговар кўшиқларнинг яратилиши, ижодий режаларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Юртбошимиз айтганларидек, «...Энг ғўзал ва дилбар кўшуклар ҳам Ватан ҳақидаги кўшиқлардир. Бундай жозибадор кўшиқлар эл-элатларни бирлаштиради, уларни тинч-тотув ва осойишта яшашга, Ватани ҳар жиҳатдан юксалтиришга, кўз қорачиғидаи авайлаб-асрашга, кўксини калдон қилиб ҳимоя қилишга даъват этади».

Мустақилликка эришгунга қадар миллий ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги кўшиқларни қўллаш фақатгина орзу эди, холос. Ҳарбийлар репертуаридан ўрин олган 2-3 тагина русча кўшиқлар қўйиларди. Не бахтки, мустақиллик шарофати билан орзуларимиз рўёбга



чиқди. Дастлабки вақтларда Назармат Жуманиёв, Жабборов, Нормурод Назарзуллаев каби таниқли шоирлар ҳарбий-ватанпарварлик мавзуда қалам тебратдилар. Ҳозирда Ўзбекистон халқ шоирлари Сирождиддин Саййид, Иқбол Мирзо, Хуршид Даврон, Маҳмуд Тоир, Анвар Обиджон бу борада сермахсул ижод қилишяпти.

Мен учун ҳарбий мавзуда қалам тебратиш катта масъулият. Чорак асрдан зиёд фаолиятимни ҳарбийликка бахшида этдим. Биз яшаган давр тақозосига кўра ҳарбий шифокор сифатида юртдан, ота-онам, ёру дўстларим, қаддонларимдан олисда Ватан соғинчи билан яшадим. Шунинг учун миллий армиямизга оид ҳар бир мисрани юракдан ҳис эта оламан.

Дастлаб «Байрамингиз бўлсин муборак!» номли шеъримга кўй бастанганан. У Қуроли Кучларимизнинг бир йиллик байрами муносабати билан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Камолиддин Раҳматов томонидан ижро этилди.

Қуроли Кучларимизнинг 20 йиллик байрами олдиндан сафларда жўровоз бўлиб айтыладиган Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат руҳидаги жанговар кўшиқлар ва маршлар тўпланидан иборат «Ўзбекистон посбонларимиз», «Ас-

салом, улуг юрт, қўтлуг Армиям», «Ватанга қасамёд» номли мусиқа бастанланган асарларимни нашрга тайёрладим. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Марказий Офицерлар саройида мазкур китобларимнинг тақдими бўлиб ўтди. Ўйлайманки, бу каби тўпламлар ёшларимиз қалбига Она-Ватанга меҳр-муҳаббат, бурчга садоқат, мардлик туйғуларини жўш урдирди, миллий армиямиз куч-қудрати ва салоҳиятини кўкларга кўтариш, унинг жасур ва паҳлавон посбонлари жасоратини улуглашга хизмат қиладди.

— Муҳтарам Президентимиз, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Олий Бош Қўмондонди Ислам Каримов бошчилигида олиб борилаётган оқилона сиёсат тўғайли миллий армиямизнинг салоҳияти кундан-кунга юксалиб борапти. Ислоҳотлар натижасини нимаalarda кўра олдингиз?

— Тўғрисиини айтсам, бугунги кунда миллий армиямиз сафига хизмат қиладиган ёшларга ҳавасим келади. Улар ўзлари тўғилиб ўсган она-Ватанда, миллий армиямизда хизмат қиляпти. Авваллари ота-оналар фарзандларини қандай қилиб бўлса-да ҳарбий хизматдан олиб қолиш йўлларини ахтаришган бўлса, ҳозир бунинг аксини кўриш мумкин. Чунки улар Қуроли Кучларимиз сафига хизмат қиладиган ҳарбий ходимлар, аскарларга яратилаётган шарт-шароитлар, имтиёзларни яхши билишадди. Қолаверса, армияга борган ҳар бир йигит нафақат жисмонан, балки юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлмоқда. Ҳарбий хизматни намунали тугатган ёшларнинг ўқиш ёки ишга киришида имтиёзлар берилияпти. Натижада ёшларимиз орасида ҳарбий хизматга бўлган қизиқчи янада ошди, аскар бўлиш, йигитлик бурчини ўташ том маънода шон-шараф ишига айланди. Бу эса, Ватанимиз тинч ва осойишта, осмонимиз мусоффо бўлишининг ишончли кафолатидир.

С.СОЛИЕВА сўхбатлашди.

Анджон Вилояту

МАҚСАД БУВИНИНГ ҲАРБИЙ ЎҒИЛЛАРИ

Ватан остонадан бошланади, дейди доно халқимиз. Ватанга меҳр-муҳаббат эса оналаримиз аллеси орқали қалбларга жо бўлади десак, муболага бўлмайди.

Мақсад буви ҳам фарзандларини бешикка белаб, узун туналари айтган аллаларида уларнинг юртга содик, ота-онга меҳрли бўлишлигини юракдан жўшиб айтганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Бундай дейишимизга сабаб аянинг нафақат фарзандлари, ҳатто набиралар ҳам Ватан сарҳадларини кечяю кундуз қўриқлаб келмоқда.

— Фарзандларим бугун эл-юрт қорига яраб Ватан ҳимоячиси бўлганлигини бениҳоя хурсандман, — дейди Мақсад буви. — Катта ўғлим Ҳошимжон Ички ишлар тизимига ишга кирганлиги сабабли кейинги ўғилларим ҳам акасининг йўлини тўтишди. Бобомуродим ҳарбийлик танлаб бугунги кунда чегара хизматида. Шухрат-

жон ҳам ҳарбий автоинспектор, унинг умр йўлдоши — келиним Гулсанам эса ҳарбий алоқачи. Буни қаранг, йиллар ўтаверар экан. Кечагина ўғилларим бирин-кетин ҳарбий хизматга отланган бўлса, бугун уларнинг фарзандлари — набираларим ҳам Ватан ҳимоячиси бўлганлиги мени қувонтиради, — дейди онахон кўзидаги секин-секин ёшларини яширмай.

— Ҳа, маҳалламиз аҳли Мақсад буви оиласи билан фахрланади, — дейди Қўрғонтепа тумани Ижтимоиёт маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳафизжон Усмонова. — Онахонини маҳалламизда ўтказилаётган барча тадбирларга тақлиф этиб, ёш оилаларга ибратли оила бекаси сифатида таништириб борамиз. Онахон ўзининг пурҳикмат насихатларию оқ фотиҳалари билан юртимизга тинчлик, оилаларга тотувлик, дастурхонларга барака тилаб келмоқда. Мақсад буви сингари нурунийларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Узақбой САКСОНБОВ

«KO'SHMAS MARKA SAVDO XIZMATI» BIRINCHI QIRG'IZISTON FIDALANISHI

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАдан, КИЧИК БИЗНЕС ВАКОНЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

«KO'SHMAS MARKA SAVDO XIZMATI» MCHK ANDIXON VILOYATI FILIALINING TANLOV SAVDOLARIGA

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдати 147-сонли қарори ва Андижон вилояти, Paxтабод тумани ҳокимлигининг 2011 йил 16 сентябрдаги 846 К, 2011 йил 24 сентябрдаги 856 К-сонли қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга тақдоран қўйилмоқда:

1. Автомобилларни вақтинчалик тўхташ жойи қуриш учун, Paxтабод тумани, Paxтабод шаҳар, А.Темир кўчаси, 1-зонаси ҳудудидида жойлашган 1 дона, 678,06 кв.м. ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 210 143 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2012 йил июнь.
2. Мيني маркет қуриш учун, Paxтабод тумани, Paxтабод МФЙ, Кўртўлик МФЙ, 2-зонаси ҳудудидида жойлашган 1 дона, 38,0 кв.м. ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 14 227 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2012 йил октябр.
3. Ёлти ва ёлти махсулотларни ўқиб қуриш учун, Paxтабод тумани, Paxтабод МФЙ, Кўртўлик МФЙ, 2-зонаси ҳудудидида жойлашган 1 дона, 28,0 кв.м. ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 9 735 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2012 йил октябр.
4. Сартароҳона қуриш учун, Paxтабод тумани, Paxтабод МФЙ, Кўртўлик МФЙ, 2-зонаси ҳудудидида жойлашган 1 дона, 18,0 кв.м. ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 6739 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2012 йил октябр.
5. Мيني маркет қуриш учун, Paxтабод тумани, Paxтабод МФЙ, Кўртўлик МФЙ, 2-зонаси ҳудудидида жойлашган 1 дона, 27,0 кв.м. ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 10 109 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2012 йил октябр.
6. Мيني маркет қуриш учун, Paxтабод тумани, Paxтабод МФЙ, Кўртўлик МФЙ, 2-зонаси ҳудудидида жойлашган 1 дона, 40,0 кв.м. ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 18 350 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2012 йил октябр.
7. Тамалдиҳона қуриш учун, Paxтабод тумани, Paxтабод МФЙ, Кўртўлик МФЙ, 2-зонаси ҳудудидида жойлашган 1 дона, 27,0 кв.м. ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 10 109 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2012 йил октябр.
8. Садо дўкони қуриш учун, Paxтабод тумани, Paxтабод МФЙ, Кўртўлик МФЙ, 2-зонаси ҳудудидида жойлашган 3 дона, ҳар бири 27,0 кв.м.дан ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Хар бир ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 10 109 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2012 йил октябр.
9. Садо ва машиий хизмат соҳаси объекти қуриш учун, Paxтабод тумани, Paxтабод шаҳар, Мустақиллик МФЙ, 1-зонаси ҳудудидида жойлашган 5 дона, ҳар бири 48,0 кв.м.дан ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Хар бир ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 22 020 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2012 йил сентябр.
10. Мева ва сабазот дўкони қуриш учун, Paxтабод тумани, Paxтабод шаҳар, Нодирабегим МФЙ, Ҳасанов МФЙ, 1-зонаси ҳудудидида жойлашган 1 дона, 40,0 кв.м. ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 18 350 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2012 йил сентябр.
11. Сартароҳона қуриш учун, Paxтабод тумани, Paxтабод шаҳар, Нодирабегим МФЙ, Ҳасанов МФЙ, 1-зонаси ҳудудидида жойлашган 1 дона, 32,0 кв.м. ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 14 680 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2012 йил сентябр.
12. Ойиҳона қуриш учун, Paxтабод тумани, Paxтабод шаҳар, Нодирабегим МФЙ, Ҳасанов МФЙ, 1-зонаси ҳудудидида жойлашган 1 дона, 80,0 кв.м. ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 367 006 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2013 йил декабр.
13. Хайлатароҳлик ижод иши қуриш учун, Paxтабод тумани, Paxтабод шаҳар, Қашкар МФЙ, 1-зонаси ҳудудидида жойлашган 1 дона, 80,0 кв.м. ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 367 006 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2013 йил декабр.
14. Автобекат-садо дўкони қуриш учун, Paxтабод тумани, Paxтабод шаҳар, Юкори МФЙ, Юкори кўчаси 1-зонаси ҳудудидида жойлашган 1 дона, 48,0 кв.м. ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 22 020 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2012 йил октябр.
15. Машиий хизмат соҳаси объекти қуриш учун, Paxтабод тумани, Уйғур МФЙ, Омонқура-2 МФЙ, 2-зонаси ҳудудидида жойлашган 1 дона, 56,0 кв.м. ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 20 967 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2012 йил декабр.
16. Сартароҳона қуриш учун, Paxтабод тумани, Уйғур МФЙ, Омонқура-2 МФЙ, 2-зонаси ҳудудидида жойлашган 1 дона, 40,0 кв.м. ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 19 884 сўм.
17. Қосбилик қуриш учун, Paxтабод тумани, Уйғур МФЙ, Омонқура-2 МФЙ, 2-зонаси ҳудудидида жойлашган 1 дона, 24,0 кв.м. ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 8 986 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2012 йил декабр.
18. Ёлти ва ёлти махсулотларни ўқиб қуриш учун, Paxтабод тумани, Уйғур МФЙ, Омонқура-2 МФЙ, 2-зонаси ҳудудидида жойлашган 1 дона, 24,0 кв.м. ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 8 986 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2012 йил декабр.

19. Садо ва машиий хизмат биноси қуриш учун, Paxтабод тумани, Уйғур МФЙ, Омонқура-2 МФЙ, 2-зонаси ҳудудидида жойлашган 1 дона, 45,0 кв.м.дан ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Хар бир ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 16 849 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2012 йил декабр.
20. Ёғичи қайта ишлаш ва пахта титиш цехи қуриш учун, Paxтабод тумани, Иттифок МФЙ, Шуворзор Бойкевич МФЙ, 2-зонаси ҳудудидида жойлашган 1 дона, 1000,0 кв.м. ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 374 414 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2012 йил декабр.
21. Садо ва машиий хизмат биноси қуриш учун, Paxтабод тумани, Иттифок МФЙ, Санграбод МФЙ, Оқунбобоев массиви, 2-зонаси ҳудудидида жойлашган 1 дона, 80,0 кв.м. ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 29 953 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2012 йил декабр.
22. Садо ва машиий хизмат биноси қуриш учун, Paxтабод тумани, Иттифок МФЙ, Санграбод МФЙ, Оқунбобоев массиви, 2-зонаси ҳудудидида жойлашган 1 дона, 170,0 кв.м. ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 63 850 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2012 йил декабр.
23. Садо ва машиий хизмат биноси қуриш учун, Paxтабод тумани, Иттифок МФЙ, Санграбод МФЙ, Оқунбобоев массиви, 2-зонаси ҳудудидида жойлашган 1 дона, 80,0 кв.м. ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 29 953 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2012 йил декабр.
24. Садо ва машиий хизмат биноси қуриш учун, Paxтабод тумани, Иттифок МФЙ, Санграбод МФЙ, Оқунбобоев массиви, 2-зонаси ҳудудидида жойлашган 4 дона, ҳар бири 36,0 кв.м.дан ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Хар бир ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 13 479 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2012 йил декабр.
25. Озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш мини цехи қуриш учун, Paxтабод тумани, Иттифок МФЙ, Санграбод МФЙ, Оқунбобоев массиви, 2-зонаси ҳудудидида жойлашган 1 дона, 126,0 кв.м. ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 47 176 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2013 йил апрель.
26. Озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш мини цехи қуриш учун, Paxтабод тумани, Иттифок МФЙ, Санграбод МФЙ, Оқунбобоев массиви, 2-зонаси ҳудудидида жойлашган 1 дона, 125,0 кв.м. ер устасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер устасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 46 801 сўм. Махбуриятларини бажариш мuddати 2013 йил апрель.
